*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2001 yil, 21 sentyabr № 39 (472) Sotuvda narxi erkin



Қарши шаҳар телефон тармоғи абонентлар бўлими оператори Ҳафиза УСМОНОВА хизматидан мижозлар мамнун.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

**Бугунги кун раҳбар шахсдан ҳаракатчанликни талаб қилмоқда. Ҳар қандай корхона ёки ташкилотнинг ривожланиши замонавий технологияларга, ходимларнинг моддий манфаатдорлигига, муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишига боғлиқ. Бу вазифалар раҳбардан катта тажрибани, узоқни кўзлаб иш юритишни ва албатта, тадбиркорликни талаб қилади. Хўш, бу борада Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонасида қандай ишлар қилинмоқда. Мухбиримиз корхона бошлиғи Муҳаммаднозим ОТАМУҲАМЕДОВ билан шулар ҳақида суҳбатлашди:**

**• Мулоҳаза**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**— Муҳаммаднозим ака, Сиз корхона анча ночор аҳволга тушиб қолган бир пайтда раҳбар бўлдингиз. Ишларни тўғри йўлга қўйиб, корхонани оёққа турғазиш учун нималар қилинди?**

— Аввало, шуни айтишим керакки, корхонамиз Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси деб номланарди. "Маҳаллий Телеком" ва "Халқаро Телеком" АКлари бирлашгандан кейин корхонамизнинг номи ўзгарди. Шу муносабат билан ўз низомимизга ўзгартиришлар киритдик. Энди саволингизга келсак, тўғри, мен раҳбар бўлиб келганимда корхона иқтисодий томондан қийин аҳволга тушиб қолганди. Сабаби, бу ерда буйруқбозлик, сансалорлик авжига чиққанди. Ишни дастлаб ана шу иллатларни бартараф қилишдан бошладик. Бошқарув аппаратидаги кадрлар орасида тушунтириш ишларини олиб бордик. Жамоада соғлом муҳитни яратиб олгач, корхонанинг ички имкониятларини тўлиқ ўрганиб чиқдик. Даромад келтирмайдиган бўлинмаларни бошқа ташкилот, муассасалар тасарруфига бериб юбордик. Бу билан бюджетимизга келадиган моддий зиён тўхтатилди. Шу кунгача корхона ўз биносига эга эмасди. Самарали ҳаракатимиз натижасида ушбу муаммо ҳам ҳал бўлди.

**— Юқорида "Маҳаллий Телеком" ва "Халқаро Телеком" АКлари бирлашганини айтиб ўтдингиз. Бу бирлашишнинг имкониятлари ҳақида тўхталсангиз.**

— Бу икки йирик компаниянинг бирлашиши бизга телекоммуникация бўйича хизмат кўрсатишнинг радиоалоқа тасарруфидаги деярли барча турлари билан шуғулланиш имкониятини яратди. Шу кунларда Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Бухоро вилоятларидаги радиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш корхоналари билан биргаликда иш олиб борилмоқда. Яқин кунларда корхонамиз тасарруфида "Сурхон садоси" номли эфир диапазонида радиоканал иш бошлайди. Бундан ташқари, республиканинг барча вилоят тармоқ корхоналарида кабелли телевидение тизимларини ишлатишни йўлга қўймоқчимиз.

Бозор иқтисодиёти олдимизга янги-янги талабларни қўймоқда. Раҳбар изланувчан, тадбиркор бўлсагина корхона ривожланади. Юқорида тилга олган режаларимиз асосий ишимиздан ташқари даромад келтирувчи манбалардир. Бундан ташқари, Япония кредити бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида олтмиш олтита телевизион ва ўттиз учта радиоэшиттириш узатгичларни замонавийларига алмаштириш режамиз бор.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

"ЎзМАКОМ" қўшма корхонаси раҳбарияти бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Қўшма корхона Тошкент электротехника алоқа институти билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолаган эди. Ушбу шартномага кўра институт қўшма корхонага юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бериш мажбуриятини, корхонамиз эса талабаларнинг ўқиш тўловларини ўз зиммасига олган эди.

Яқинда институтда ўтказилган тест синовлари ва институт раҳбарияти тавсиясига кўра институтнинг уч нафар магистрантлари танлаб олинди. Шу муносабат билан қўшма корхона мажлислар залида магистратура тингловчилари ҳамда "ЎзМАКОМ" ҚК ўртасида уч томонлама шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди. Энди бу уч тингловчи ўқиш билан бирга қўшма корхонада ўз мутахассисликлари бўйича билим ва малакаларини мустаҳкамлаб борадилар.

Корхона раҳбарияти ушбу шартноманинг уччала томонга ҳам фойдали бўлишига ва келажакда махсус тайёргарлик кўрган билимли мутахассислар корхонамиз ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

**Д. РАҲМАТҚОРИЕВА,**
**"ЎзМАКОМ" ҚК кадрлар бўлимининг бош инспектори**

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Тошкент шаҳрида 25-27 сентябр кунлари телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари UzTel 2001 иккинчи Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Ташкилотчилар Британиянинг машҳур ITE Group PLC Халқаро савдо-кўргазмаси ва компаниянинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa Osiyo компанияларидир.

Кўргазма иштирокчилари сафидан АҚШ, Россия, Япония, Норвегия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг йирик халқаро компаниялари ўрин олган. Мазкур тадбир Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, "ЎзЭкспоМАРКАЗ" ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниялари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Кўргазма 25 сентябр куни соат 11.00 да "ЎзЭкспоМАРКАЗ"нинг биринчи павильонида очилади.

Кўргазмага марҳамат!

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

"Наманган почтаси" акциядорлик жамияти ва унинг таркибидаги шаҳар, туман филиаллари ишчи-ходимлари ўртасида "Ватанни ардоқлаган кам бўлмайди", шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унинг шартига кўра қатнашчилар республикамизнинг Мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни саҳна кўринишида намойиш этдилар.

Кўрик-танлов томошабинлар ва иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Ҳайъат аъзолари Наманган шаҳар филиали жамоасини биринчи ўринга лойиқ деб топди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон филиаллари жамоаларига насиб этди. Ғолиблар 1-2-3 даражали дипломлар ҳамда "Наманган почтаси" акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Совриндор жамоаларнинг филиал раҳбарлари эса жамоаларни тайёрлашдаги хизматлари учун пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

**Б. БОЛТАБОЕВ**

Обуна – 2002

## "ХАВАR" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Мана, дўппи бир айлангунча умр дафтарининг яна бир саҳифаси ниҳоясига етмоқда. Янги обуна мавсуми бошланмоқда.

Агар Сиз "Xabar"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Xabar" газетасига 2002 йил учун обуна бошланди. Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

**Нашр кўрсаткичи:**

Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.
Ташкилотлар учун – 228.

"Xabar" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

• Мулоҳаза

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Аввали 1-бетда.)

Корхонамиз асосан республика миқёсида давлат телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланади, 1300 нафар ходим фаолият кўрсатади. Мавжуд техникаларимиз эса 1975-1985 йилларда ўрнатилган бўлиб, аксарияти ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган. Ускуналарни янгисига алмаштириш борасида ҳам ҳаракат қиляпмиз.

Ўтган йили "Тошкент телеминораси" радиотелевизион ускуналарини алмаштириш бўйича танлов эълон қилинганди. Кўплаб хорижий корпорациялар иштирок этган ушбу танловда Япониянинг "Иточу" корпорацияси ғолиб бўлган эди. Танлов шартига кўра иккита 20 киловаттлик телевизион узаттич ускуналари ўрнатилди.

**— Маълумки, ҳар қандай соҳанинг келажаги малакали кадрларга боғлиқ...**

— Албатта, кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб бориш бугунги куннинг муҳим талабидир. Шу мақсадда Ўрта Осиё телекоммуникациялар ўқув марказида бир гуруҳ мутахассисларни тўлов асосида ўқитдик. Афсуски, кутилган натижага эришилмади. Марказдаги ўқув жараёни яхши ташкил этилган, аммо бизнинг назаримизда ўқитувчилар малакасига алоҳида эътибор бериш керакка ўхшайди. Бу хусусда ҳар иккала томон ҳам биргаликда жиддий ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмас эди.

**— Корхонангиздаги мавжуд муаммолар нималардан иборат?**

— Иш бор жойда камчилик ва муаммолар бўлиши табиий, албатта. Шу кунга қадар ишлатиб келинаётган услуб бўйича телерадиодастурларни тарқатиш учун ўрнатилган таърифлар эксплуатация қилишгагина етади, холос. Янги техника сотиб олиш учун маблағ ҳисобга олинмаган.

Кейинги пайтда корхонанинг асосий буюртмачиси бўлган "Ўзтелерадиокомпания" телерадиодастурлар ҳажмини қисқартира бошлади. Натижада корхонамиз маълум бир қисм даромаддан маҳрум бўлди. Бир неча радиоузаттичларни тўхтатишга мажбур бўлдик. Бугунги кунда тўхтатилган радиоузаттичларни маҳаллий радиоэшиттиришларни тарқатишга мўлжаллаб турибмиз. Харажатлар кўпайиши муносабати билан таърифларни ошириш масалалари кўриляпти.

**— Тажрибали мутахассис сифатида айтинг-чи, ишни янада яхшилаш учун нималарга эътибор бериш керак?**

— Биринчидан, ҳар бир янги режа ва хизмат турлари билан шуғулланишдан аввал маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши лозим. Иккинчидан, маҳаллий техник мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашни тубдан ўзгартириш, мавжуд техник ходимларни қайта ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва аттестациядан ўтказиш керак. Корхонамизнинг янги Низомида кўрсатилганидек, телекоммуникация соҳасига радиоалоқа қисми бўйича қўшимча даромад келтирувчи омиллар билан шуғулланиш даркор.

Маълумки, тармоғимизда маҳаллий кадрлар кам ишлашади. Шунинг учун ҳам маҳаллий кадрлар тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш лозим. Бундан ташқари, ёш, иқтидорли мутахассислар ўртасида замонавий технологиялар Интернет, Декта, Дама, Транк ва шунга ўхшаш замонавий тизимлар билан шуғулланишни тарғиб қилиш керак. Шу ишлар амалга оширилса, соҳада кўпгина ижобий ўзгаришлар қилиш мумкин деб ўйлайман.

**И. АҲМЕДОВ суҳбатлашди**

# ИНТЕРНЕТ САМАРАЛИ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТ

Бир неча йилдирки, халқаро тармоқни англатувчи Интернет ибораси оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез тилга олиниб, одамларнинг иш фаолиятлари ва онгига чуқур кириб бормоқда.

Ахборотга ва ахборот алмашишга талаб ортиб бораётган айни замонда Интернет энг самарали, тезкор ва ҳамма учун фойдаланиш мумкин бўлган тармоқ сифатида хизмат қилмоқда. У ахборот тарқатишда шундай марраларни эгалладики, унга фақат мутлақо янги, ўта замонавий лойиҳаларгина тенглаша олиши мумкин.

Республикамиз ҳукумати ҳам Интернет тармоғини янада ривожлантириш масаласига шу куннинг кечиктириб бўлмас вазифаси сифатида қарамоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 23 майда қабул қилган "Компьютер ва ахборот технологияларини 2001-2005 йилларда ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, халқаро ахборот тизими – Интернет тизимларига кенг кўламда кириб боришни таъминлаш тадбирлари ҳақида"ги Қарори ҳам бу йўлда қўйилган дадил қадамдир.

Ўзбекистонда маълумотларни узатиш миллий тармоғининг оператори "O'ZPAK" корхонаси ҳисобланади. У корхоналар, ташкилотлар ва аҳолига телекоммуникация хизматлари кўрсатади. Интернет тармоғига уланиш хизматини фаол ривожлантириш борасида ҳам "O'ZPAK" ва унинг вилоятлардаги филиаллари етакчилик қилмоқда.

Мустақиллик йиллари телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида катта ютуқларни қўлга киритган, талайгина техника воситаларига эга бўлган Почта ва телекоммуникациялар агентлиги бу имкониятлардан мамлакат иқтисодиётни юксалтириш йўлида самарали фойдаланишни таъминлашга ҳаракат қилмоқда. "Ўзбектелеком" АКнинг барча корхоналари ахборот алмашиш ишида иштирок этмоқдалар. "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖ пойтахтдаги барча умумтаълим мактабларини Интернетга улашда ёрдам бериш таклифи билан чиқди.

"Ўзбекистон почтаси" ДАКда почта корхоналарини компьютер техникаси билан жиҳозлаш, уларни Интернет тармоғига улаш учун зарур қисмлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Аввал турли хизматларда фойдаланиб келинган 370 та компьютер ҳам почта корхоналарида Интернет хизматини ташкил этаётган мутахассислар томонидан соҳага йўналтирилди. Шунингдек, Жаҳон почта Иттифоқидан Интернет хизмати кўрсатиш учун йигирмата замонавий компьютер техникаси келтирилди. Улар «Тошкент почтамти», «Халқаро почтамт» ва 100- почта бўлимига ўрнатилди. Бир нечтаси эса вилоятлар почта корхоналарига жўнатилди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш учун Интернетнинг алоқа бўлимларига кириб келишидан алоқачилар ҳам манфаатдордирлар. Зеро, бу янги хизмат, иш билан таъминланиш, қўшимча даромад деган гап. Бу борада "Тошкент почтамти" АЖда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Корхонанинг қирқта компьютеридан йигирма бештаси почта бўлимларида Интернет хизмати кўрсатиш учун ўрнатилди. Етмишта компьютер эса модемлар ва Интернет тармоғига улаш учун қўшимча жиҳозлар билан бутланди. Бу иш билан айниқса Хоразм, Андижон, Наманган, Жиззах ҳамда Термиз алоқачилари фаол шуғулланмоқдалар. Бухоро, Нукус, Фарғона ва Қарши бўлимларида Интернет тармоғига улаш ишлари олиб борилмоқда. Самарқанд ва Гулистон шаҳарларида ҳам бу ишлар йўлга қўйилиш арафасида. Бир сўз билан айтганда, Интернет билан боғлиқ ишлар республика бўйича кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Энг муҳими – фойдали, қизиқарли ва истиқболли бу хизмат тури билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ДАК фаол ва мунтазам иш олиб бормоқда.

**А. КУДИНОВ**



**Тошкентдаги 152-АТС муҳандиси Алексей БЕЛЯКОВ мураккаб, замонавий электрон АТСларни бошқаришда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.**

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат**


## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ !

**Тошкент электротехника алоқа институти 2001/2002 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларга аспирантурага қабул эълон қилади**

05.12.02. – Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;

05.12.14. – Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборот тақсимлаш;

05.12.17. – Радиотехника, телевидение тизимлари ва қурилмалари.

**Ҳужжатлар 2001 йил 10 октябргача қабул қилинади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 35-08-84, 35-01-12, 35-07-63. Факс: 35-10-40.**


# ИСТЕЪМОЛЧИГА СИФАТ, ИШДА ЭСА МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР

Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси биринчи ярим йиллик давомида алоқа хизмати кўрсатувчи субъектларда йигирма бешта текширув ўтказди. Шунингдек, "Ишонч телефони" хизматига келиб тушаётган шикоятларнинг қайд қилиниши ҳам назорат қилинмоқда. Почта ва матбуот тарқатиш хизмати сифатининг истеъмолчилар томонидан баҳоланишини ўрганиш учун эса анкеталаштириш ишлари йўлга қўйилган.

Текширишларда маълум бўлдики, "Узсвязьспутник" раҳбарияти фаолиятида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва радиочастоталар спектрини бошқариш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 10-банди бузилишига йўл қўйилган ҳамда 2000 йил, октябр ойида хорижда ишлаб чиқарилган "INMARSAT" русумли станция ЭМММнинг рухсатисиз Тошкент шаҳри ҳудудига киритилган. Бундай ҳаракатга ҳатто Тошкент шаҳар аэропортининг Божхона назорати ходимлари ҳам эътибор беришмаган.

Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳри ҳудудида қирқ иккита кабел студияларининг рухсатномасиз иш юритаётгани аниқланди. Шу боис уларнинг фаолиятини етарли назорат қилмаётган "Ўзбекистон кабел телевиденияси" АЖ раҳбари Т.Комиловга ва барча студия раҳбарларига огоҳлантирувчи хатлар жўнатилди.

Шаҳар кабел студиялари томонидан олиб кўрсатилаётган Россия телевидениеси дастурларининг тасвир сифати бузилаётгани тўғрисида аҳолидан Давлат алоқа инспекциясига шикоятлар келиб тушмоқда. Участка монтёрлари эса мижозлар чақириғига биноан ўз вақтида етиб бормаётгани, баъзида эса ариза-мурожаатларга ойлаб эътибор қаратилмаётгани аниқланди. Пойтахтимизнинг Қорақамиш 1/1 даҳасидаги 25- уйда яшовчи мижозлар мурожаатларида кўрсатилганидек, 2001 йилнинг 30 июнидан шу кунгача хонадонларга уланган кабеллар узилган ҳолда осилиб ётибди. Бу эса кабел телевидениеси ходимларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошаётганини билдиради.

Тошкент шаҳридаги телефон тармоқларида ҳам капитал таъмирлаш бўйича ишлар суст олиб борилаётгани натижасида линия-кабел хўжалиги иншоотларидаги шикастланишлар борасида шикоятлар кун сайин ортиб бормоқда.

Ўйлаймизки, юқорида номлари қайд этилган корхона раҳбарлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар. Биз эса мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш йўлида назоратни давом эттирган ҳолда ушбу масалага яна қайтамиз.

Л. ЧУБ,
Тошкент шаҳар ДАИ бошлиғи

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбектелеком интернейшнл" АЖ қўшма корхонаси жамоаси иқтисод бўйича менежер **Лариса АНКУДИНОВА**ни туғилган куни билан самимий қутлайди. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлик ва оилавий хотиржамлик тилайди.

* * *

"Тошкент Телеком" АЖ жамоаси ҳисобчи **Людмила ЩЕВЧУК**ни 50 ёши билан муборакбод этади. Унга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

* * *

"Андижон Телеком" АЖ Булоқбоши филиали жамоаси бош муҳандис **Исмоилжон МИРЗАЕВ**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга мазмунли умр, сиҳат-саломатлик ва ишларида зафарлар тилаб қолади.

* * *

"Қашқадарё Телеком" ШК Чироқчи филиали жамоаси телеграфчи **Раяз ГЕНАТУЛИН**ни 60 ёши билан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва фарзандларининг бахтини кўриб юришини тилайди.

• Буюклар муҳаббати

# ТУРГЕНЕВНИНГ ФРАНЦУЗ ХОНИМИ

Машҳур рус ёзувчиси Иван Сергеевич Тургенев француз қўшиқчиси Полина Виардони севиб қолади. У шу аёл ишқида умр кечиради ва ҳаётининг асосий қисмини чет элда ўтказади. Ёзувчининг кўплаб гўзал асарлар ёзишига ҳам шу француз хоними сабабчи бўлган. Адибнинг Париж яқинидаги Буживал шаҳрида жойлашган дала ҳовлиси севгилиси уйи билан ёнма-ён эди. Тургенев ўзининг энг бахтли кунларини ана шу ерда ўтказарди. У маъшуқаси учун барча нарсага тайёр эди. Таниқли, анча-мунча сармояга эга, чиройли, қадди -қомати келишган ёзувчи бутун ҳаётини шу француз аёлига бахшида этган.

Ўз-ўзидан савол туғилади, ёзувчини бу аёл нимаси билан мафтун этдийкин? Ахир, Полина унчалик гўзал ҳам эмас эди.

Полина Виардо таниқли испан қўшиқчиси Мануэля Гарсиянинг қизи эди. Отаси опера қўшиқлари билан дунёнинг кўплаб давлатларига танилганди. Полинанинг катта опаси ҳам таниқли қўшиқчи бўлган. У узоқ умр кўрмади, 28 ёшида вафот этди. Шундан кейин Полина қўшиқчилик йўлини танлади. У халққа тез танилди. Айниқса италия опера театри директори Луи Виардога турмушга чиққанидан сўнг омади юришди. У умр бўйи бундан рози бўлиб юрди. Тургенев Виардони илк маротаба 1843 йили, у туркум опера қўшиқларини ижро этганида таниди. Ўша лаҳзалардаёқ уни севиб қолган эди. Шундан кейин 25 ёшли ёзувчи Полина Виардо қатнашган спектаклларнинг барчасини кўриб борди. Дастлаб қўшиқчининг эри Луи Виардо билан, кейинчалик унинг ўзи билан танишди. Ёзувчи бу ҳақда "Баҳор тошқинлари" асарида ёзган. П. Виардо қаерга гастролга бормасин, Тургенев ҳам у билан изма-из борарди. У шу тарзда кунларини ўтказиб, Парижда узоқ қолиб кетди.

Тургеневшуносларнинг айримлари то ҳозиргача ёзувчининг Полина Виардо билан танишуви унинг ижодига халақит берган, дейишса, баъзилари эса аксинча, унга ёрдамлашган дейишади. Тургеневнинг ўзи эса хорижда ижодининг гуллаб-яшнаганини айтади. Кўплаб ҳикоялар ва "Овчининг хотиралари" асари ўша кунлар ҳосиласидир. Кўпчиликка таниш бўлган "Бурмистр" ҳикояси ҳам Зальцбург шаҳрида ёзилганди. Адибнинг ўзи ёзганидек, у чет элда, севгилиси Полина ёнида ўзини жуда бахтиёр ҳис қилган ва бу хоним унинг илҳом манбаи бўлган.

Полина Виардо тўрт нафар фарзанд кўрган. Ўғли таниқли скрипкачи бўлиб етишади. Бу болани Тургеневнинг ўғли деган миш-мишлар пайдо бўлади. Бола эса ҳақиқатан ҳам худди қуйиб қўйгандек ёзувчига ўхшарди.



"Зодагонлар уяси", "Оталар ва болалар" асарлари ўша муҳит таъсирида ёзилган. Ёш ёзувчи умуман аёллар ҳақида кўпроқ сўзлашни ёқтирарди. Қирқинчи йилларда Тургенев таниқли рус анархисти Татьяна Бакуниннанинг синглисига ҳам кўнгил қўяди. Бироқ бу танишув узоққа чўзилмайди. Шундан сўнг ёзувчи "Тонги туман, оқиш туман" номли шеър ёзди. Тургенев ҳатто ўзининг узоқ қариндоши О. Тургеневага ҳам уйланмоқчи бўлади. Аммо охир-оқибатда у ихтиёрий ёлланган тикувчи аёли Авдотья Ермолаевнага уйланади. Улар фарзандларига Полина деб исм қўйишади. Бу қизни саккиз ёшга тўлганида Францияга, Полина Виардо тарбиясига жўнатишади. Ёзувчи бу ҳақда "Зодагонлар уяси" романида эслаб ўтган. Унинг ҳаётида яна Виардо пайдо бўлганидан сўнг Тургенев ўз хизматкори Фиоктистога боғланиб қолади. Бу аёл "Оталар ва болалар" романида Феничка образида акс этади.

Полина Виардо ҳам муҳаббатда беқарор бўлади. У илк бор фортепьяно ўқитувчиси, композитор Ференц Листни, кейин эса композитор Шарль Гунони ёқтириб қолади. Тургенев Полинани Шарль Гунодан ўта рашк қилган. Полина Виардо Жорж Санднинг ўғлини ҳам севиб қолган дейишади.

Ҳар қанча гап-сўз бўлмасин, ёзувчи учун Полина Виардо энг азиз инсон бўлган. Шунинг учун ҳам Тургенев ҳар доим унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилган. Ёзувчи учун энг муқаддас кун ҳам севгилисининг туғилган куни ҳисобланган.

Виардо ўз даврининг энг машҳур аёли эди. У ўзининг жозибадор қўшиқлари билан ҳаммани лол қолдирган. Ўғлининг қалб торларини тушунмаган Тургеневнинг онаси Полинани "лўли" деган бўлсада, бироқ кейинчалик унинг санъатини тан олишга мажбур бўлди. Қўшиқчи фортепьянони жуда зўр чалар, расм чизишда ҳам тенги йўқ эди. Унинг қаламига мансуб Тургенев портрети энг яхши суратлардан бири саналади.

У бутун ҳаётини мусиқага бағишлади. Моцартнинг "Дон Жуан" операси кўп қисмли мажмуасини яратиш учун катта миқдорда маблағ сарфлади. Бу опера Франциянинг Миллий кутубхонасида ҳозир ҳам сақланмоқда. П. Чайковский ушбу опера мажмуасини варақлаётиб, бу асарни гўёки "Моцарт ёзганга ўхшайди", деб юқори баҳолаган.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида Тургенев Виардо учун Буживал шаҳарчасидан ҳовли сотиб олади. Тургеневнинг ўзи ҳам ёзда ўша дала ҳовли яқинида яшаган. Кузда Виардо Париждаги уйига кўчиб келган. Тургенев ҳам ўша уйнинг биринчи қаватида яшарди.

Буживалда ёзувчи ўзининг сўнгги асарларини ёзди. "Денгизда ёнғин" очеркини оғир бетоблигига қарамай французчада П. Виардога айтиб туриб ёздирди. Ўлимидан бир ой олдин "Ҳаммаси тугади" ҳикоясини ёзишга улгуради. Адиб рак касалидан жуда қийналиб вафот этди. Полина Виардо эса бир дақиқага бўлса-да, беморни тарк этмади. Дастлаб Луи Виардо, сўнгра И. Тургенев оламдан ўтди. Тургенев бўйнида осиғлик медалионининг бир тарафида ўзининг фамилияси бўлса, иккинчи тарафида Полина Виардонинг сурати бор эди. Ҳозир ўша медалион ноёб экспонат ҳисобланади. Полина Виардонинг эри Тургенев билан яхши муносабатда бўлган. Улар бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қилишган.

Полина Виардо Тургенев вафот этганда аввал Дарю кўчасидаги рус черков монастрида, сўнгра Шимолий вокзалда мотам маросимини уюштиради. Ёзувчини сўнгги манзилга кузатиш учун франциялик ва россиялик жуда кўп таниқли адабиёт ҳамда санъат намояндалари иштирок этишади. Бироқ Полина Виардо нима сабабдан И. Тургеневнинг Россиядаги дафн маросимига ўзи келмай, қизи Клоди ва куёвини юборган, деган савол ҳамон сирлигича қолмоқда. Полина ёзувчи учун азиз инсон бўлганини тушунарди, шунинг учун унинг ҳамюртларини ноқулай вазиятга қўйишни истамагандир?

И.ОМОНОВ
таржимаси

Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонаси жамоаси корхона бошлиғи Муҳаммаднозим Отамуҳамедовга қайнотаси
**Умурзоқ ота МИРЗОҲИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Тошкент Телеком" АЖ жамоаси Ғазалкент филиалининг радио монтёри
**Олимжон НАЗАРОВ**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институтнинг физика кафедраси доценти
**Мансур ИСМОИЛОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

"Хабар" газетаси жамоаси газетанинг собиқ ходими Фазлиддин Мамарасуловга онаси
**Шарофат ая ҒАНИЕВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

## САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА ҲИКМАТЛАР

- Дунёда инсонга энг азиз бўлган неъматлардан бири тинчлик бўлса, бошқаси – саломатлик.
- Баданнинг қуввати овқат, руҳнинг қуввати эса илмдир.
- Ташқарида эсаётган шамол роҳат, уй ичида эсаётганидан эса иллат келади.
- Қанчалик мусаффо бўлса ҳамки сув, ортиқча ичилса, келтирар қайғу.
- Ғамнинг давоси дўстлар дийдори.
- Саломат бўлай десанг, нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.
- Кўп ейиш оз ейишдан ҳам маҳрум қилади.
- Кимки мулойим бўлса, саодатли бўлади, кимки камгап бўлса, саломат бўлади.
- Соғлом бўлай десанг, саёҳат қил. Ундан бешта фойда бор: кўнгил ёзиш, куч тўплаш, мол йиғиш, илм ва адаб ўрганиш, донолар зиёратида бўлиш.
- Тўрт нарса борки, уларнинг ози ҳам кўп. Булар: касаллик, туҳмат, душман ва қарз.
- Гўзаллик, шарақлаб оққан тиниқ сув, ям-яшил майсазор ва хушхат ёзув киши кўзига зиё бағишлайди ва нурини ўткир қилади.
- Одобли одам табибга ўхшайди, у билан суҳбатлашиш кишига саломатлик ва хушкайфият бағишлайди.

• Бу – қизиқ!

## АНТИҚА ПИРАМИДА

Ҳиндистон армияси алоқа кучлари ҳарбийлари ўн битта мотоциклда 140 кишидан иборат пирамидани ҳосил қилишди. Бу пирамида 200 км. масофага ҳаракатланган. Шу тариқа рекорд натижа 1996 йилнинг 14 февралида Жабалпур (Ҳиндистон)да қайд этилди. Пирамидани ҳосил қилишда бирор бир мослама, тиргагич ёки арқонлардан фойдаланилгани йўқ.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ:**
**136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2839.
4844 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.**
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00
1 2 3 4 5 6